

Тафаккур: Аллоҳ вакилликка кифоядир!



10:00 / 26.03.2021 3486

Эр-хотин ўзаро алоқа қилганида эркакдан тахминан 200, 000000 (икки юз миллион) сперма ажралиб чиқади. Мантиқан олганда агар бу миқдор сперма бачадонда жойлашса 200,000000 бола туғилиши керак. Шунча сперма бачадон сари ошиқади. Уларнинг деярли бари йўлда ҳалок бўлади. Баъзиси чарчаб ҳалок бўлади, бошқаси мағлуб бўлиб. Фақатгина 50 таси қолади. Шундан ҳам биттагинаси уруғдонда жойлашишга муваффақ бўлади. Ана шу ҳолиб бўлиб жойлашган зот сизсиз!

Мана шу буюк кураш ҳақида фикр қилганмисиз. Ўшанда югурганингизда оёғингиз, қўлингиз ва қошу-кўзингиз йўқ эди. Аммо ҳолиб бўлган эдингиз.

Ўшанда югурганингизда дипломингиз, билимингиз йўқ эди. Аммо ҳолиб бўлган эдингиз.

Ўшанда югурганингизда бировдан таълим олмаган эдингиз, сизга ҳеч ким ёрдам бермаган эди. Аммо ғолиб бўлган эдингиз.

Олдингизда битта йўналиш бор эди. Ана шу йўналишда сабот билан ҳаракат қилиб ниҳоят ғолиб бўлган эдингиз.

Кўп чақалоқлар онаси қорнида вафот этади. Сиз эса бундан нажот топдингиз.

Кўп чақалоқлар туғилиб бир неча йил яшаб гўдаклигида вафот этишади. Сиз бундан нажот топдингиз.

Кўп болалар яхши овқатланмаслик туфайли вафот этиб кетишади. Аммо сиз бундан нажот топдингиз.

Бугун эса кўрқиб умидсизланиб ўтирибсиз. Нега?

Нега ўзингизни зиёнда деб ҳисоблайсиз?! Нега ишончни йўқотдингиз?! Нега умидсиз бўлиб қолдингиз?!

Бугун оёғингиз бор, қўлингиз бор, илмингиз бор, туйғуларингиз бор, режалар қилиш учун ақлингиз етарли. Ёрдам бераман деб турган дўстларингиз бор. Ёлғизлигингизда курашган эдингиз. Таслим бўлмасдан шу ергача етиб келдингиз. Энди нега тўхтаб қолмоқчисиз?! Нега яшашни истамайман демоқдасиз?! Нега ҳамма нарсамни йўқотдим дейсиз?! Нечук бунчалар умидсизлик?!

Аллоҳ сизни кўраяпти, ҳамма вақт сизни муҳофаза қиляпти, риоянгизни қиляпти. У вакилликка кифоядир!

Абдулқодир Полвонов тайёрлади